



## ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЭЪТИБОРДА



## Президент Шавкат Мирзиёев 17 июнь куни Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолияти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари бу муассасанинг эски биносини ўтган йили 14 майда бориб кўрган эди. У пайтда шифона Республика гематология маркази бўлиб, катталарга ҳам, болаларга ҳам бир жойда хизмат кўрсатиладди. Дори таъминоти етарли бўлмагани, химия терапия усуллари йўлга қўйилмагани сабабли даволаниш самарадорлиги 30 фоиздан ошмасди.

Бинодаги шaroитлар ҳам ачинарли эди. Бир хонада 3-4 бемор ётар, санитар хоналар умумий эди. Овқат учун ҳар бир беморга кунига 11 минг сўм ажратилган холос. Лаборатор таҳлилларнинг ярами хусусий клиникаларда ўтказиларди.

Шундан сўнг, бу ерда қўрилганлар, ота-оналар ва мутахассислар билан мулоқотлар асосида, Президентимиз

2021 йил 27 май куни “Аҳолига гематология ва онкология хизматларини кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” қарор қабул қилди. Унга мувофиқ, болалар гематологияси ва онкологияси соҳаси катталар шифохонасидан ажратилиб, алоҳида марказга айлантирилди. Бу муассаса учун Тошкент шаҳри Чилонзор тумани Арнасой кўчасида қўрилган янги бино берилди ва жорий йил январдан иш бошлади.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шaroитлар билан яқиндан танишди. Янги марказда ўринлар сони олдинги 85 тадан 160 тага етказилган. Бемор бола ва унинг ота-онаси учун алоҳида шарт-шaroитлар яратилган.

Бугунги кунда 101 нафар бола даволанмоқда. 130 дан ортиқ шифокор,

жумладан, 38 нафар илмий ходим ва юзлаб ҳамширалар уларга қалб кўрини бағишлаётир.

Болалар онкогематологияси, гематология, онкология, реанимация, гемодиализ ва плазмодиферез бўлимлари, стационар ва маслаҳат поликлиникаси замонавий жиҳозланган. Бу йил аввалгиларига кўшимча 14 турдаги асбоб-ускуна келтириб ўрнатилди.

Дори воситалари билан таъминлаш даражаси ҳам оширилди. Масалан, 2016 йилда бунинг учун 2 миллиард 800 миллион сўм маблағ ажратилган бўлса, ҳозир бу миқдор қарийб 60 баравар оширилиб, 170 миллиард сўмга етди. 91 турдаги онкогематологик дори воситалари давлат ҳисобидан бепул берилмоқда.

Чет эллик консултантлар жалб этилиб, даволаш ва диагностика стандартлари янгиланди. Жумладан, ўзак хужайралари трансплантацияси сони ошди.

Яна бир муҳим жиҳати, молекуляр генетика, иммуногистохимия каби мураккаб ташхислар шу ернинг ўзида йўлга қўйилди. Илгари бунинг учун намуналар Ҳиндистон, Туркия, Россия каби давлатларга текшириш учун юборилар эди.

Болаларнинг даволаниши билан бирга таълим-тарбияси ҳам эътиборда. Бу ерда “Замин” фонди томонидан 40 ўринли мактаб ва 30 ўринли боғча ташкил этилган. “Меҳрли мактаб” ва “Илк қадам” номли ушбу гўшаларда болалар билим олиб, қизиқarli машғулотларни ўрганмоқда.

Президентимиз марказда даволанаётган болалар ва уларнинг оналарига далда берди.

— Ёнингизга яна келишдан мақсадим — сизларга куч бериш, умидни икки қарра кўпайтириш. Бу ҳаммамизга синов. Биз давлат бўлиб, ақлимизни, кучимизни ишга солиб, бу касалликларни енгишимиз керак. Ота-оналарга кўмак бериб, болаларнинг дардига малҳам бўлиб, уларни соғайтиришимиз зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз болаларнинг орзу-истакларини қўллаб-қувватлади, тезроқ соғайиб, яхши қўишларини тилади.

Шу ерда Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси маркази фаолиятини кенгайтириш режалари тўғрисида маълумот берилди.

Унга кўра, гематоэтик ўзак хужайраларини аллоген ва аутологик трансплантация қилиш учун 2 та асептик бино, ҳудудлардан узоқ муддатга келадиганлар учун 200 ўринли хостел барпо этилади. Йил якунигача марказга яна 67 турдаги жиҳозлар келтирилади.

— Бу соҳа юртимизда янги тизим. Энди уни ҳудудий шифохоналардаги шундай бўлимлар билан боғлаб, касалликларни эрта аниқлаш зарур. Қўйи поғонада скринингни кенгайтириб, “касалликдан олдин юриш” керак, — деди Президент.

Ушбу марказ негизда илмни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

— Бинода шaroит бор, муваффақият йўқ. Муваффақият илмда! Шунинг учун бу ер касаллик омилларидан тортиб, самарали даволаш услубларига ҳам ўрганиш бўйича илмий марказ бўлиши керак. Вилоятлардаги тиббиёт ходимлари келиб, малака оширсин, — деди давлатимиз раҳбари.

Бу соҳа юксак ривожланган Германия тажрибаси асосида даволаш протоколини янгилаш, мутахассислар жалб этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президентимизнинг Болалар гематологияси, онкологияси ва клиник иммунологияси марказига ташрифи чоғида оналик ва болаликни ҳимоя қилиш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимиз аҳолисининг 20 миллионини болалар ва туғиш ёшидаги аёллар ташкил этади. Уларнинг саломатлигини алоҳида эътиборга олиш мақсадида шу йилдан барча туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли поликлиникаларда болалар бўлими ташкил этилди. Куну тун ишлайдиган педиатр шошилинч постлари ва болалар реанимация бўлимлари қайта тикланди.

Туғруқ комплекси ва перинатал марказлар, аёллар маслаҳатхоналари томонидан йилига 850 минг нафар

ҳомилаларга малакали тиббий хизматлар кўрсатилмоқда. Барча марказий поликлиникаларда “Онко-назорат” хоналари ташкил этилиб, 35 ёшдан ошган аёллар ҳар йили скрининг текширувидан ўтказилмоқда. Бу аёлларда саратон касалликларини эрта аниқлаш имкониятини 10 баробарга оширди.

Бу ишлар натижасида сўнгги олти йилда оналар ўлими интенсив кўрсаткичи 21 дан 15 га, гўдаклар ўлими 11 дан 8 га камайган. Лекин битта шундай ҳолат ҳам жамиятимиз учун катта фожи.

Шу боис, йиғилишда оналар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш, касалликларнинг олдини олиш масалалари муҳокама қилинди.

Бугунги кунда республикамиз бўйича атиги 16 та шифохонада асоратли ҳомилаларда иктисослаштирилган ёрдам кўрсатилмоқда. Шу боис, 46 та туман ва шаҳардаги туғруқ мажмуаларида зарур шaroитлар яратиб, туманлараро перинатал марказга айлантирилиши қайд этилди.

Ҳар бир поликлиникада ташкил этилган 17 мингта тиббий бригада учун малакали доялар тайёрлаб, фаолиятини йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берилди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги 15 та туғруқхонада чақалокларнинг эшитиш қобилиятини текшириш бошланди. Мутахассисларни ўқитиб ва махсус ускуналар харид қилиб, келгуси йилдан барча туғруқхоналарда жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда туғиш ёшидаги аёллар соғлиғига — Репродуктив саломатлик маркази, ҳомилдаги нуксонларни аниқлашга — Скрининг маркази, фарзанд кўриш жараёнига — Акушерлик ва гинекология маркази масъул ҳисобланади.

Уларнинг ҳудудий филиаллари бир-бири билан боғлиқ ҳолда ишламагани сабабли аёллар сарсон бўлмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур 3 та муассасани бирлаштириб, янги марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлади. Бу янги марказ инновацион технологиялар асосида репродуктив саломатлигининг тиббий-биологик муаммоларини ҳал этиш, туғма нигронлиқнинг олдини олиш бўйича генетик тадқиқотлар олиб бориш, бехатар оналикни таъминлаш каби жуда муҳим вазифаларга иктисослашади.

Йиғилишда соҳа мутасаддилари, шифокорлар, ҳокимлар сўзга чиқиб, тақлиф ва мулоҳазаларини билдирди. Вилоят ҳокимлари онкология ва гематология хизматларини ривожлантириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш чоралари бўйича ҳудуд халқига мурожаат қилиши белгиланди.

ЎЗА

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА

КОНСТИТУЦИЯВИЙ  
ИСЛОҲОТЛАР —  
ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИСТАГИ,  
ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ ИФОДАСИ

Конституциявий комиссиянинг Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Комиссия аъзолари, экспертлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этган йиғилишда Конституцияга ўзгартиш ва қўшимчалар

киритиш бўйича тақлифларни олиш, уларни кўриб чиқиш юзасидан амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

▶ Давоми 2-бетда



## ТАДБИРКОРЛИК КОДЕКСИ

Қонунчилик ҳужжати тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда муҳим омил ҳисобланади. Чунки ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини бошлаш, олиб бориш ва қўтилган самарага эришишида, турли муносабатларга киришишда маълум тартиб ҳамда қоидаларга риоя қилиши зарур.



## ЯГОНА ҲУҚУҚИЙ МАНБА

Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган Тадбиркорлик кодекси лойиҳаси ҳозирда жамоатчилик муҳокамасида бўлиб турибди. Маълумки, кодекс муайян ҳуқуқ (қонунчилик) соҳасидаги норматив мажмуани ифодаловчи, жамловчи қонуний ҳужжат ҳисобланади. Уни тайёрлаш жараёнида тармоқдаги ҳуқуқий нормалар, турли даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлил қилинади, қайта ишланади, ихчамлаштирилади ва такомиллаштирилади.

Тадбиркорлар учун тизимлаштирилган ҳуқуқий мажмуа зарур экан, уни ишлаб чиқишда қандай омилларга

таянилди? Адлия вазири ўринбосари Алишер КАРИМОВ билан суҳбатимиз ана шундай савол билан бошланди.

— Таъкидлаш жоизки, тадбиркорликнинг ривожланишидан давлат ҳам, жамият ҳам манфаатдор. Яъни тадбиркор қанча ўсса ва фойда кўрса, мамлакатга шунча кўп инвестиция киритади ва унинг иқтисодийети тараққий этишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади. Айни пайтда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари тарқоқ ҳолда.

▶ Давоми 4-бетда

## БУГУННИНГ ГАПИ

ОЛИЙ ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ:  
ЭВРИЛИШ ВА ЮКСАЛИШ  
ЙЎЛИДАГИ ЗАЛВОРЛИ  
ОДИМЛАР

Жаҳон андозалари даражасида билим олган, заковатли, ҳар томонлама баркамол миллий кадрларни тайёрлаш бевосита ўқитиш тизимининг қандай ташкил этилганига боғлиқ. Шу боис, мамлакатимизда сўнгги йилларда таълим соҳасининг барча босқичини ислоҳ қилиш, халқаро андоза ва замонавий талаблар асосида ташкил этиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

▶ Давоми 3-бетда







## КОНФЕРЕНЦИЯ

ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ:  
МАРКАЗИЙ ОСИЁДАН ЕВРООСИЁГАЧА

Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ҳамкорликда ШХТ Хартиясининг 20 йиллигига бағишлаб ана шу мавзуда халқаро анжуман ташкил этилди.

Анжуманда ШХТга аъзо давлатлар миллий координаторлари, ШХТ минтақавий аксилтеррор тузилмаси котибияти ва Ижроия кўмитаси ходимлари, Марказий Осиё давлатлари, Россия, Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Покистон, Беларусь, Озарбайжон таҳлил тузилмаларининг етакчи экспертлари ҳамда мамлакатимиз вазирлик ва идоралари вакиллари иштирок этди.

Утган йиллар мобайнида Ўзбекистон ташқи сиёсатида қўзғатилган ўзгаришлар мамлакатимизнинг дунёга очкилигини таъминлади. Шунингдек, минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорлик муносабатларида қадим давлатчилик тарихига эга “Янги Ўзбекистон руҳи” шаклланди.

Бу жараёнда Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар билан алоқалари муносабатларида, мамлакатимизда юриштилаётган сиёсатда ишонч руҳи пайдо бўлди. Бугунги кунда ну-

фузли тузилма сифатида халқаро майдонда мустақкам ўрин эгаллаган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти билан алоқаларимизнинг янги ва дўстона формати ҳам фикримиз далилидир.

Ана шу ишонч руҳи билан бу йил Ўзбекистон ШХТга раислик қилмоқда. Бу даврда савдо-иқтисодий тармоқлари, ахборот-коммуникация технологиялари, саноат ва маданий-маърифий, инсон капитали йўналишида турли ташаббуслари ҳаёtgа татбиқ этиш мақсад қилинган.

Марказий Осиё Евроосиё китъасининг чорраҳасида жойлашган бўлиб, азалдан дунёнинг “ўзаги” деб аталган. Асримиз бошида Шанхай ҳамкорлик ташкилотини тузишда айнан мана шу жиҳат ҳал қилувчи омил бўлган эди.

Утган йиллар давомида давлатларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатлар туфайли ўзаро ишонч, манфаат, тенг ҳуқуқлилик, маслаҳатлашув, циви-

лизациялар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш ва умумий ривожланишга интилишни ўз ичига олган “Шанхай руҳи”ни амалда татбиқ этишга муваффақ бўлди.

Конференцияда Марказий Осиё халқаро институти директори Анвар Носиров, ташқи ишлар вазирлиги ўринбосари Ғайрат Фозилов, ШХТ Бош котиби Чжан Мин ва бошқалар ШХТнинг Евроосиё, жумладан, Марказий Осиёга алоҳида урғу берган ҳолда, ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш учун сиёсий платформа сифатидаги салоҳияти ҳақидаги ғояларни илгари суриш, шунингдек, бўлажак Самарқанд саммити чоғида тегишли ташаббуслар ва тақлифларни тайёрлашда фойдаланиш учун ташкилотни янада трансформация қилишга доир янги ғоялар, экспертлар баҳоларини жамлаш ва умумлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида гапирди.

Экспертлар хавфсизлик ва стратегик барқарорлиқни таъминлаш масалалари, шунингдек, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишончни мустақамлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликка кўмаклашиш, ШХТ ривожига Марказий Осиёнинг минтақалараро алоқаларни кучайтиришдаги ўрни, минтақамизнинг ташкилотнинг трансформацияси нуктаи назаридан унинг “географик ядроси” сифатидаги аҳамиятига қаратилган масалаларни муҳокама қилди.

Шунингдек, Эроннинг ШХТга кириши муносабати билан ташкилотнинг янада ривожланиш истиқболлари ва имкониятлари, минтақавий ўзаро боғлиқлиқни кучайтириш орқали геоиқтисодий имкониятларни кенгайтириш ва жугрофий изоляцияни енгишга қаратилган турли концепциялар борасида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— 2002 йил 7 июнда Санкт-Петербурғ шаҳрида бўлиб ўтган самит якуни бўйича имзоланган ШХТ Хартиясига 20 йил тўлди, — дейди Марказий Осиё халқаро институти

директори Анвар Носиров. — Ташкилотнинг мазкур асосий ҳужжати ШХТ фаолиятининг устувор мақсад ва йўналишларини белгилайди, унинг ички тузилиши ва фаолиятининг асосий масалаларини, турли давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлигини ҳал қилади.

Хартиянинг муҳим таркибий қисми давлатлар суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва чегаралар дахлсизлигини, ҳужум қилмаслик, давлатлар ички ишларига аралашмаслик, қуч ишлатмаслик ёки қуч билан таҳдид қилмаслик, барча аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ўзаро тушуниш ва фидоини ҳурмат қилиш асосида умумий нуктаи назарларни излаш, аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига амал қилишдан иборат.

Йигирма йил тарихий нуктаи назарда қисқа давр саналади, бироқ бу вақт давомида самарали йўл босиб ўтилди. Мамлакатларимиз Осиё, Европа ва Африка давлатларини бириктирган катта ШХТ оиласига айланди.

Бугун бошқа мамлакатлардан келатган янги аризалар кўриб чиқилмоқда. Қайд этиш жоизки, жорий йил сентябрда ШХТнинг Самарқандда бўлиб ўтадиган навбатдаги саммитида ташкилотга тўлиқ аъзолар, қўзғатувчилар ва муюлот бўйича шериклар форматида янги аъзоларни қабул қилиш орқали ШХТ сафини кенгайтиришга қаратилган чинакам тарихий қарорлар қабул қилинади.

Таъкидланганидек, мазкур конференция ШХТ миллий координаторлари ҳамда ШХТга аъзо давлатларнинг илмий-тадқиқот институти вакиллар ўртасида сиёсий, иқтисодий, гуманитар ҳамкорлик, терроризмга қарши кураш ва бошқа соҳаларга доир масалалар юзасидан очик ва конструктив фикр алмашиш майдонига айланади.

Лутфулла СУВОНОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА

КОНСТИТУЦИЙАВИЙ ИСЛОҲОТЛАР —  
ХАЛҚИМИЗ ХОҲИШ-ИСТАГИ,  
ЭЗГУ МАҚСАДЛАРИ ИФОДАСИ

▶ Бошланиши 1-бетда

Таъкидланганидек, конституциявий ислохотлар халқимиз хоҳиш-истаги, эзгу мақсадлари ифодаси, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг мантиқий давомидир. Шу сабабли бу воқелиқни халқимиз қизғин қўллаб-қувватламоқда. Жумладан, Конституциявий комиссияга фуқаролардан кўплаб тақлиф ва тавсиялар келиб тушяпти. Бунда фуқаролик жамияти институтилари, сиёсий партиялар, маҳаллалар, илмий-тадқиқот институтилари фаоллиги ҳам яққол сезилмоқда.

Фуқаролик жамияти институтилари, бир томондан, Бош қонунимизни бойитиш мақсадида асосланган жамоавий тақлифларни беришда жонбозлик кўрсатаётган бўлса, иккинчи томондан, конституциявий ислохотлар тарғиботида фаол иштирок этмоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, “Юксалиш” умумимиллий ҳаракати, Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги Ёшлар парламентлари, Ёшлар иттифоқи, “Камалак” болалар ташкилоти фаоллари, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Фанлар академияси таркибидagi илмий-тадқиқот институтилари, Бош прокуратура академияси, Судьялар олий мактаби сингари тузилмалар жамоавий тақлифлар юборишда фаоллик кўрсатмоқда.

Йигилишда Конституциявий комиссиянинг тақлифлар билан ишлаш ғуруҳига келиб тушган ва сараланган ҳамда йигма ахборот-таҳлил ғуруҳи томонидан ўрғиниб чиқилган навбатдаги тақлифлар атрофида муҳокама қилинди. Маълум қилинишича, жорий йил 17 июнь ҳолатига кўра, жами 35 мингдан ортиқ тақлиф келиб тушган.

Уларнинг аксарияти электрон, шунингдек, маҳаллалар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига оғзаки ёки ёзма шаклда, почта алоқаси ҳамда босма матбуот, телевидение, радио орқали юборилган.

Бу тақлифларда Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳурмат қилиш принцип ва нормаларига асосланиши, ҳеч ким ўзининг фуқаровий ҳуқуқий шартномавий мажбуриятларини бажара олмаслиги

сабабли озодликдан маҳрум этилмаслиги, ҳеч бир инсон қийноқларга ёки шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматини камситувчи муомалага ёки жазога тортилмаслиги, ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинлигини қонунда таъкидланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли эканига доир масалалар илгари сурилган.

Шунингдек, ҳар бир шахс Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва халқаро шартномаларига мувофиқ ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда қонуний манфаатларини инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтилар томонидан ҳимоя қилиниши учун мурожаат қилишга ҳақлилиги, қонунда белгиланган тартибда фаолият юритаётган барча диний ташкилотларнинг фаолият эркинлиги кафолатлигини назарда тутуви тақлифлар келиб тушган.

Қайд этилганидек, инсон, унинг ҳаёти, шаъни, кадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятдир. Фуқаролардан келиб тушаётган тақлифларнинг салмоқли қисмини инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масалалари ташкил этаётгани Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ислохотлар ортага қайтмас тус олганидан далолат беради.

Шунингдек, конституциявий ислохотларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш бўйича ишлаб чиқилган медиарежанинг ижроси юзасидан ахборот берилади. Ортдошларимизга конституциявий ислохотларга оид ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти ҳақида теозор, хосис ва тўлақонли ахборот етказиш мақсадида радио, газета, журналлар ҳамда интернет нашрлар билан самарали ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Бу, ўз навбатида, конституциявий ислохотларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини халқимизга содда ва тушунарли тилда етказишда муҳим омил бўлаётди. Йигилишда бу жараёнда журналистлар катта ташаббус кўрсатаётгани, газета, радио, телевидение ходимлари, туман, вилоят, республика миқёсидаги ОАВ вакиллари ҳам фаол иш олиб бораётгани алоҳида таъкидланди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири

## МУНОСАБАТ



**Дилшод САТТОРОВ,**  
Ўзбекистон техник  
жиҳатдан тартибга солиш  
агентлиги бош директори

Шу боис, мамлакатимизда барча соҳаларда халқаро андозаларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратиляпти. Масалан, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарида “Global G.A.P.” ва “Organic”, тўқимачиликда “Oeko-Tex” стандарти асосида маҳсулотлар тайёрланмоқда. “GSP+” тизими доирасида 6 минг 200 тўғадиги маҳсулотларни Европа Иттифоқига божсиз экспорт қилиш имконияти яратилди.

Аслида, юртимизда етиштирилган ёки тайёрланаётган маҳсулотлар ҳар қандай бозорда харидорлар ҳисобланмади, дунё бозоридagi турдошлари билан бемалол рақобатлаша олади. Бу борада фақат миллий брендларимизни дунё стандартлари талабларига мослаштириш, техник тўсиқларни олиб ташлаш, яъни стандартлаштиришни таъминлаштириш керак.

Президентимиз раислигида жорий йил 13 июнь кўни стандартлаштириш ва сертификатлаш соҳасидаги самарадорлиқни ошириш масалалари бўйича ўтказилган йигилишда айна жиҳатлар таҳлил этилди.

Давлатимиз раҳбари, аввало, соҳанинг ўзида сифатни ошириш, замонавий лабораториялар ташкил этиш, ишлаб чиқарувчиларга йўл кўрсатиб, экспортни қўлайлаштириш бўйича ҳали ўзгариш сезилмаётганини таъкидлади. Шундан келиб чиқиб, ишга бўлган ёндашувни тўбдан ўзгариштириш энг асосий вазифамиз этиб белгиланди. Бу борада тизимдаги ҳар бир ходим тадбиркорларнинг маҳсулотларини сертификатлаштириш, халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш, Европа бозорларига чиқиш, маҳсулотнинг сифатини ошириш, экспорт ҳажми ва географияни кенгайтириш бўйича уларга энг яқин кўмакчи бўлади.

Бунинг учун, аввало, Европа бозорларига экспорт қилинадиган маҳсулотларни уларнинг талабларига мослаштириш

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА  
МОС МАҲСУЛОТЛАР  
Дунё бозорига кириш ва экспорт  
имкониятимизни оширади

Бугун дунё бозорига кириш, унинг ҳақиқий иштирокчисига айланиш мушкул. Боиси, бу бозорда рақобат қучли. Уни енгиш учун эса асосий талаб — сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда, экспортга йўналтирилган маҳсулотнинг халқаро стандартлар талабларига мувофиқлигини таъминлаш зарур бўлади. Бу, айниқса, экспорт салоҳияти юқори бўлган Ўзбекистон учун жуда муҳим.

сифатини чўқур таҳлил қилиш лозим. Айтайлик, ушбу бозорга киришда енгиш саноат маҳсулотлари учун 61 та талаб бор, юртимизда эса бу талаб 45 та.

Йигилишда ҳозирги имкониятларимиз 61 та талабни бажаришга етарли эмаслиги танқидий кўриб чиқилди. Агентлигимизга керакли стандартларни жорий қилиш ва лабораторияларни янгилаш вазифаси қўйилди. Бу орқали халқаро стандартларга мос корхоналар сонини 3 баравар ошириб, 1 минг 200 тага етказиш мумкин.

Маълумки, Президентимизнинг 2021 йил 2 июндаги фармонида асосан, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тизимига ўтказилиб, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги сифатида қайта ташкил этилган эди. Кези келганда таъкидлаш жоизки, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ва Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) нормалари билан уйғунлаштириш бўйича тизимли ишлар олиб бориляпти.

Жумладан, халқаро тажрибани инобатга олган ҳолда, соҳани тартибга солувчи янги қонун лойиҳалари — Ўзбекистон Республикасининг “Стандартлаштириш тўғрисида”ги, “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги, “Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида”ги ва “Мувофиқлиқни баҳолаш тўғрисида”ги қонунлари талабларини ўз ичига олган “Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида”ги ҳамда “Мувофиқлиқни баҳолаш органларини аккредитация қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикасининг техник регламентларини ЕОИИ талаблари билан уйғунлаштириш мақсадида 2020-2023 йилларда мутасадди вазирлик ва идоралар томонидан 14 та мавжуд техник регламента ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда 28 та янги техник регламент ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

2020 йилда 2 та янги техник регламент тасдиқланди, 3 та амалдагисига ўзгариш ва қўшимчалар киритилган бўлса, 2021 йилда 26 та техник регламент тасдиқланди, 11 та амалдаги техник регламента ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Халқаро талаблар билан уйғунлашган 7 минг 763 та стандарт қабул қилиниб, 7 минг 968 таси қайта кўриб чиқилди, натижада стандартлар сонини 19 минг 543 тага ёки 80,4 фоизга етказилди.

Ўзбекистон Республикасининг ЕОИИ давлатларида 48 та техник регламенти қабул қилинган.

Йигилишда қайд этилганидек, ҳудудларда 150 та лабораторияга эҳтиёж мавжуд. Мисол учун, қуритилган мевани экспорт қилиш учун 27 тил таҳлил қиладиган лаборатория керак. Лекин бирорта ҳам бундай муассаса йўқ. Кўп тадбиркорлар бу муаммоларни маҳсулотини Европага олиб бораганида кейин баёрипти.

Шу боис, соҳада самарадорлиқни ошириш, мувофиқлиқни баҳолаш жараёнарига замонавий услубларни жорий қилиш бўйича қўшимча вазифалар белгиланди. Тизим ходимларининг малакасини ошириш, уларни тадбиркорларнинг маҳсулотини халқаро стандартлар талаблари асосида сифатли етиштиришдан тортиб, дунё бозорига олиб чиқиб сотишга бўлган жараёнда энг яқин кўмакчисига айлантириш ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

Мухтасар айтганда, юқорида айтилган ишлар, юртимизнинг экспорт салоҳияти жуда юқори. Бу салоҳиятдан юқори даражада фойдаланиб, экспорт ҳажми ва географиясини кенгайтириш эса иқтисодиётимизга янги “қон” олиб киради. Бу эса юртимиз равақчи, халқимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Йигилишда давлатимиз раҳбари томонидан белгиланган берилган топшириқларни самарали ҳал этиш орқали фермеру кластерлар, тадбиркорларимизнинг экспорт имкониятлари яхшиланади, салоҳиятимизга яраша шароитлар яратилади.

## КҮН МАВЗУСИ

Дунёда озиқ-овқат билан боғлиқ чекловлар ва нарх ўсиши кун сайин кучаймоқда. Масалан, жаҳон бозорларида бугўдой нархи 50 фоиз ошди. Албатта, бу юртимиздаги нарх-навога ҳам таъсир кўрсатмай қолмаёпти.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ:  
БУ ЙИЛГИ ҲОСИЛ ЧЎҒИ ҚАНДАЙ?

Яқинда Президентимиз аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узоқлиқ таъминлаш бўйича ўтказилган видеоселектор йиғилишида ун ва ун маҳсулотлари нархларини барқарор сақлаш, тақиллиқнинг олдини олиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Тошкент вилоятида бу йилги ғалланинг чўғи қандай? Қутйлаётган ҳосил йиллик эҳтиёж учун етарлими? — Жорий йилда вилоятда мавжуд экин майдонларининг қарийб 104 минг гектарига ғалла етиштирилди, — дейди вилоят қишлоқ ҳўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари Муроджон Абдурахмонов. — Бу йил жами 674 минг тоннадан ортиқ ҳосил олиниши кўзда тутилган. Ҳозир вилоятдаги фермер ҳўжалиқларида йигирма-терим бошлаб юборилган. Бунинг учун барча зарурий техника сафарбар этилган. Вилоятда аҳолининг йиллик ун ва ун маҳсулотларига талаби 196 минг тоннага тенг. Бу 245 минг тонна бугўдой дегани.

Шу йил олинishi мўлжалланаётган ҳосил вилоят аҳолисининг бугўдой, ун ва ун маҳсулотларига талабини тўлиқ қондириш имконини беради.

2022 йилда вилоятда етиштирилиши режалаштирилган 674 минг тоннадан ортиқ ғалладан давлат тарихида йиллик эҳтиёж учун 217 тонна топирилиши (242,7 минг тонна товар ва 27,5 минг тонна уруғлик), ғаллачилик кластерларига 50 минг, чорвачилик, паррандачилик, балчиқчилик корхоналарига 108,3 минг тонна ва фермерларга 245 минг тонна дон қолиши кўзда тутилган.

Ҳосилдорлиқни ошириш мақсадида кузги бугўдойнинг 9 та (шундан 4 та маҳаллий) самарали навини экиш майдони 93 минг гектарга кенгайтирилди.



Вилоятдаги ғалла майдонларида ёмғирлибати сўғориш технологиялари жорий қилинган. Бу эса сув сарфини, айрим харажатларни камайтириш имконини бермоқда. Айна пайтда 2 минг 843 гектар ғалла майдонида ёмғирлибати сўғориш технологиясида фойдаланиляпти. Утган йили 943 гектар ғалла майдонида жорий қилинган сув тежовчи технологиялар харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат бюджети ҳисобидан қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқарувчиларига 8 миллиард 830 миллион сўм субсидия ажратилгани ҳам бу борада муҳим аҳамият касб этди.

Тошкент вилоятида 12 та ғалла кластери мавжуд бўлиб, улар томонидан қиймати 797 миллиард сўмлик, 275 минг тонна қувватга эга 10 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

“Chinoz oltindon agro klaster” масъулияти чекланган жамияти вилоятда ғаллачилик бўйича самарали фаолият юритаётган кластерлардан саналади. 2021 йилда ташкил этилган кластер фермер ҳўжалиқлари билан фьючерс шартнома асосида фаолият олиб боради. Ғаллачилик кластери 2021 йил ҳосили учун 5450 гектар майдонга 98 та фермер ҳўжалиги билан 18 400 тонна бугўдойга шартнома тузган эди. Утган йил ҳосилдан жами 18 443 тонна маҳсулот қабул қилиб олинди.

— Бу йилги ғалла ҳосили учун, асосан, ҳосилдорлиги юқори бугўдой навлари экилди, — дейди кластер раҳбари Ислонбек Раимбеков. — 2022 йил учун 5760 гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, мақсадимиз 20 244 тонна бугўдой хирмони кўтаришдир. Айна пайтда ғаллани ўриш жадвал олиб боришмоқда. Кластериимизнинг Ангрн шаҳридаги ишлаб чиқариш қуввати йилига 30 минг

тонна бўлган тегирмонларида бугўдой қайта ишланиб, ун ва ун маҳсулотлари тайёрланмоқда ҳамда ички бозорда сотилимоқда.

Кластер жорий йилда чорвачилик бўйича инвестиция лойиҳаси — 2 минг бош қорамол сифимига эга ферма қурмоқда. Мазкур лойиҳа йил охирига қадар ишга туширилади. Бундан ташқари, янги иш ўринлари ташкил этиш учун иссиқхона ва нон чеҳи ҳам қуришмоқда.

Вилоятдаги ғалла кластерларининг 10 тасида донни қайта ишлаш қувватлари мавжуд. Улар 153 минг тонналик ёпиқ сиймаларга эга. Ғаллачиликда кластер тизими жорий этилиши ҳисобига вилоятда ғалла етиштириш аввалги йиллардагига нисбатан 1,2 баробар ва ҳосилдорлик 7-8 центнер оширилганига эришилди. Ана шундай лойиҳаларни амалга ошириш натижасида 502 та янги иш ўрни яратилди.

Талабдан келиб чиқиб, ҳар ойда вилоятда ўртача 17 минг тонна ун ишлаб чиқарилиши ва аҳолига етказиб берилиши режалаштирилган. 46 та олис ва тоғли ҳудуддаги 136,9 минг (вилоят аҳолисининг 4,6 фоизи) аҳолига ун маҳсулотларини етказиб беришдаги транспорт харажатлари маҳаллий бюджет ҳисобидан қопланади. Нархларни тизимли назорат қилиш мақсадида ҳар бир маҳаллада депутатлар, нуронийлар ва фаоллардан иборат жамоатчилик комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент вилоятида жорий йилда аҳолини бугўдой, ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлашга пухта тадбир қўрилган.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,  
“Янги Ўзбекистон” мухбири



БУГУННИНГ ГАПИ

# ОЛИЙ ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ:

## ЭВРИЛИШ ВА ЮКСАЛИШ

# ЙЎЛИДАГИ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, олий таълимнинг барча босқичини бугунги кун талаблари асосида ташкил этиш ва модернизация қилиш борасидаги ишлар, аввало, инсон қадрини улуғлаш, сифатли ва мазмунли таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш, шунинг баробарида жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар тайёрлашга қаратилгани билан аҳамиятли.

Шу ҳафта Президентимизнинг "Давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини ташкил этиш тўғрисида"ги қарори ҳамда "2022/2023 ўқув йили учун давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари тўғрисида"ги фармойиши қабул қилинди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари раислигида ўтказилган видеселектор йиғилишида касб-ҳунар таълимини замон талабларига мослаштириш юзасидан зарур топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди. Мухбиримиз олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Абдуқодир ТОШҚУЛОВ билан суҳбатлашиб, мазкур масалалар юзасидан саволларга жавоб олди.

— Мазкур меъёрий ҳужжатлар ва видеоселектор йиғилиши олий ҳамда профессионал таълимни сифат жиҳатдан янада юксалтириш, натижада мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий жаҳонлари ривожига бекиёс ҳисса қўшадиган етук кадрларнинг шаклланишига хизмат қилади, — дейди А.Тошқулов.

Шунингдек, қарорга кўра, 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб 12 та олийгоҳ учун эксперимент тариқасида бакалаврият таълим йўналишлари бўйича масофавий таълим шакли жорий этилди. Олийгоҳларнинг магистратура босқичида таҳсил олувчи хотин-қизларнинг тўлов-контракти тўлиқ давлат бюджетни ҳисобидан қоплаб берилади. Лицей ва профессионал таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш параметрлари манфаатдор вазирликларнинг таклифи асосида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Қарорда шу каби қатор масалалар ўз ечимини топди. Шундан келиб чиқиб зиммамизга жуда катта вазифалар юклатилди. Бу йилги қабул жараёни кечиккани ҳақида ҳам ижтимоий тармоқларда ҳақли эътирозлар янгради. Нима учун кечиккани сабабини тушуниришга ҳаракат қиламан.

Аввало, бу йилги қабул муддати ўзгаргани қўлаб муҳомадаларга сабаб бўлди. Квота эса анча олдин аниқ бўлганди. Шу боис, кейинги ўқув йилларида муаммо бўлмаслиги учун давлатимиз раҳбари томонидан фақат фармойиш имзоланади. Кейинги ўқув йилидан бошлаб қабул борасида унчалик жиддий янгиликлар қўтилмайдиган. Зеро, бу борадаги муаммолар ўз ечимини топиб бормоқда. Фақат квотани тасдиқлаш масаласи очик қолади. Бу ҳам илгаригидек мураккаб жараён бўлмади қоляпти. Сабаби, академик ва молиявий мустақиллик берилган 36 та ОТМга ҳозирча контракт тизими квотани ўзи белгиллаш ваколати берилган. Бу ҳам бозор қонуниятини, ривожланган мамлакатлар таълимига таъсир қилмади.

Янги ўқув йилидан профессионал таълим муассасаларига қабул Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги зиммасига юклатилди. Бундан ташқари, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб, давлат олийгоҳларига ўқишга қабул қилиш параметрлари фақат давлат гранти бўйича тасдиқланади.

Шунингдек, тўлов-контракт асосидаги қабул параметрлари бўйсунуви бўйича тегишли вазирлик (идора) томонидан Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари билан келишилган ҳолда тасдиқланади, ҳар йили 20 июнга қадар эълон қилинади.

Яна бир янгилик: хорижий ва нодавлат олийгоҳларга ажратиладиган давлат гранти миқдори 1 000 та этиб белгиланди. Бу ўтган йилгига нисбатан икки баробар кўп демек. Бу жараёнда давлат буюртмачиси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бўлади. Жорий йил юртимизда фаолият юритаётган 31 та хорижий ва 26 та нодавлат олийгоҳга жами 34 минг нафар талаба қабул қилиниши кутилмоқда.

Нуфузли хорижий олий таълим муассасаларига грант берилётганининг аҳамияти катта. Чунки уларда таҳсил олаётган ёшларнинг аксарияти келгусида мамлакатимиз иқтисодиётига,



миллий давлатчилигимиз равнақига хизмат қилади. Қолаверса, бу ОТМлар ўртасида соғлом рақобатни ҳам шакллантиради.

Энг салмоқли ўзгаришлардан бири ёшларнинг хориждан ўқишини юртимизга кўчириш бўйича бўлди.

Ўтган йилларда хориждан ўқишни кўчиришга доир аризалар кўпайган эди. Келгуси ўқув йилидан бошлаб хорижий ОТМлардан ўқишни кўчириш бўйича кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Бу билан талабаларимизнинг келишини хоҳламайдиган раҳбар сифатида кўринмаслиқни истамайман, аммо ҳамма жойда тартиб бўлиши лозим. Айтиш шунки олий таълим тизимида тартиб ўрнатиб, коррупцияга қанчалик қажватқич зарба беришини соҳа мутахассислари яхши тушунади.

Давлат таълим муассасаларидан биз натижа кутяпмизми, демек, фарзандларимиз алданмаслиги даркор.



**“ ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИДАН ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА ҚАБУЛ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ ЗИММАСИГА ЮКЛАТИЛДИ. БУНДАН ТАШҚАРИ, 2023/2024 ЎҚУВ ЙИЛИДАН БОШЛАБ, ДАВЛАТ ОЛИЙГОҲЛАРИГА ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ПАРАМЕТРЛАРИ ФАҚАТ ДАВЛАТ ГРАНТИ БЎЙИЧА ТАСДИҚЛАНАДИ.**

Зотан эртага аккредитациядан ўтмайдиган, нострификация қилиб бўлмайдиган хорижий ОТМ дипломининг кераги йўқ. Талаба умрининг 4 йилини беҳуда ўтказмасди. Шунинг учун ҳам хорижий ОТМга ўйлаб ҳужжат топшириш керак. Мана, олий маълумот олиш учун мамлакатимизда ҳам имконият тобора кенгаймоқда. Олий таълимга қамров 40 фоизга етганди. Бу аввалги йилларга солиштирганда жуда катта имконият.

Келгуси ўқув йилидан бошлаб масофавий таълим шакли жорий этилиши ҳақида айтдик. Шу ўринда кундузи таълим сифатини таъминламай туриб, масофавий таълимга ўтиш қандай бўларкан, деган савол туғилиши мумкин.

Биринчидан, ҳамма олий ўқув муассасаси масофавий таълимга ўтмади. Кўп жиҳатлар инобатга олинган ҳолда 12 та олий таълим муассасасига 3410 та квота ажратилди. Бу хориж таълимида мавжуд. Юртимизда пилот лойиҳа сифатида амалиётга жорий этилади.

2022/2023 ўқув йили учун ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрлари умумий квотаси 121 395 та этиб белгиланди. Жумладан, бакалавриятга 110 707, (жумладан, кундузи таълим шаклига 77 477, сиртки таълим шаклига 26 095, кечки таълим шаклига 3 725, масофавий таълим шаклига 3 410 нафар), магистратурага 10 688 нафар ўрин ажратилди.

Шу билан бирга, молиявий мустақиллик берилган 36 та давлат ОТМнинг тўлов-контракт бўйича 50 мингдан ортиқ абитуриент олиш бўйича қабул параметри кузатув кенгашлари қарори билан тасдиқланган режалашти-

рилган. Натижада жорий ўқув йилида қабул параметри ўтган йилга нисбатан кескин ошди. Молиявий мустақиллик берилган олийгоҳлар томонидан магистратурага 2 904 нафар талабани қабул қилиш кўзда тутилган.

Энг катта ўзгаришлардан яна бири шуки, хотин-қизлар алоҳида 2 мингта ва 5 йил стажга эга аёл мутахассисларга 500 та квота ажратилди. Дейлик, тиббиёт муассасасида 5 йил ишлаган ҳамшира Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг тавсияномаси асосида Тошкент тиббиёт академиясида ўқиш учун ҳужжат топширса, 500 та ўриндан бирини эгаллаш учун танловда қатнашади. Буни имтиҳонсиз қабул қилинади, деб тушунамслик керак.

Хотин-қизларнинг давлат ва жаmiятдаги фаоллигини ошириш мақсадида улар учун 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб янги тизим яратилмоқда. Унга кўра, бакалавриятнинг кундузги шакли бўйича қабул параметрига қўшимча 2 000 та давлат гранти ажратилади. Ушбу давлат гранти Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитасининг тавсияномасини олган, олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар учун мақсадли ташкил этилади. Унинг қамиди 50 фоиз аниқ ва табиий фанлар, техника ва тиббиёт йўналишларига ажратилади. Давлат грантининг олийгоҳ ва бакалаврият таълим йўналишлари бўйича тақсими ҳар йили 20 июлга қадар тасдиқланади ва эълон қилинади.

Магистратурага ажратилган қабул параметрлари доирасида базавий тўлов-контракт асосида талабаликка қабул қилинган хотин-қизларнинг тўлов-контракт миқдори давлат бюджетни ҳисобидан тўлиқ қопланади. Бундан



ган бўлса ёки қизлар ўзи келтирган матон тиқиб, ҳунар ўрганса... Очиги, бунни кўриш жуда оғир эди. Президентимиз топшириғидан сўнг тизим буткул ўзгардиган бўлди.

Профессional таълим умумтаълимга нисбатан қиммат, лекин энг тез ва самарали фойда берадиган соҳа. Профессional таълимда ўқувчи ўқитган вақтининг ўзида пул топа олади. У икки ҳафта пайвандлашни ўргангач, устозининг ёнида ишлаб, кунлик харажати янги топа бошлайди. Шунинг учун энди техникумларнинг нуфузи ошади. Самара бермаган, қамровни эпловмаган касб-ҳунар таълим муассасаларининг сони 70 тага қисқаради.

Давлатимиз раҳбари топшириғига биноан, ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарда касб-ҳунар таълими кенгашлари ташкил этилади ва уларга ҳокимлар раҳбарлик қилади. Кенгаш тариқибига давлат идоралари, банклар раҳбарлари, ректорлар ҳамда туман иқтисодиётидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш ва сервис қорхоналари бошлиқлари киритилади. Улар мутахассисларга мавжуд эҳтиёж асосида мономаказ ва коллежларда ўқитиладиган касбларни белгилайди, ёшларни ишлаб чиқариш қорхоналарига бириктириб, амалиётини ташкил этади.

Бу профессионал таълимни янги босқичга кўтаришда муҳим омил бўлади. Биринчидан, профессионал таълимда олий таълимга нисбатан ҳам муаммолар кўпчилигини яхши биламиз. Шунинг учун 2022 йилни вазирлик учун профессионал таълим йили сифатида қабул қилдик. Энг муҳими, Президентимиз худди шу тизимга жуда катта эътибор қаратди. Ўтган йиллар давомида 1500 дан ортиқ коллежнинг тақдирини нима бўлганини кўрдик. Ўзим ҳам айни пайтда техникум ва касб-ҳунар мактабларидаги шариотни ўрганиб юрибман. Техникум, касб-ҳунар мактабларидаги шариот яхши эмаслигини, ҳаттоки тикувчиликка ихтисослаштирилган йўналишларда мато йўқлигини кўрдик. Шу сабабли, қисқа муддатда жуда катта ислохот амалга оширилади.

Олийгоҳлардаги қамиди 60 та таълим йўналиши техникумларга берилди. Келгуси таълим йили январида бошлаб техникумларнинг илмий даражаси муаллимларининг маоши олийгоҳ ўқитувчилариникига тенглаштирилади. Шу билан бирга, олий таълим муассасалари талабалари учун жорий этилган имтиёзли таълим кредити янги ўқув йилидан техникум ва коллеж ўқувчилари учун ҳам жорий этилади. Шунингдек, уларда ўқиш учун давлат гранти ва эҳтиёжманд оила аъзолари учун субсидиялар миқдори кўпайтирилади. Айрим техникумларга бир йилда 2 марта қабул қилиш амалиёти жорий этилади.

Профессional таълим педагог ва устازلарини оиликлари оширилади. Фидойи ва ташаббускор мураббийларнинг оилигига 50 фоизгача устама тўланади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллиард сум ажратилади.

— Олий таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларнинг

**“ ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ УМУМТАЪЛИМГА НИСБАТАН ҚИММАТ, ЛЕКИН ЭНГ ТЕЗ ВА САМАРАЛИ ФОЙДА БЕРАДИГАН СОҲА. ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМДА ЎҚУВЧИ ЎҚИЁТГАН ВАҚТИНИНГ ЎЗИДА ПУЛ ТОПА ОЛАДИ. У ИККИ ҲАФТА ПАЙВАНДЛАШНИ ЎРГАНГАЧ, УСТОЗИНИНГ ЁНИДА ИШЛАБ, КУНЛИК ХАРАЖАТИНИ ЎЗИ ТОПА БОШЛАЙДИ. ШУНИНГ УЧУН ЭНДИ ТЕХНИКУМЛАРНИНГ НУФУЗИ ОШАДИ. САМАРА БЕРМАГАН, ҚАМРОВНИ ЭПЛОВМАГАН КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ СОНИ 70 ТАГА ҚИСҚАРАДИ.**

**илмий-тадқиқот олиб бориши учун яратилаётган шароитлар ҳақида тўхталсангиз.**

— 2021 йилда олий таълим муассасаларида фалсафа докторлиги илмий даражасини ёқлаш 2016 йилга нисбатан 6 баробар ошган. Сондан сифатга қараб ўсиш кузатиляпти. Бугун сизга катта мамнуният билан айтаман: тўртта етакчи олий таълим муассасаси докторантлари учун турар жой қуриш бўйича лойиҳаларимиз тайёр. Қурилиш жараёни бу йилдан бошланади. Докторантлар уйи 2023 йилнинг охиригача фойдаланишга топширилади. Бунга вазирликнинг бюджетдан ташқари маблағи йўналтирилади.

Олий таълим муассасаларининг ректорларига вилоятлардан келиб, пойтахтда илмий фаолият билан шуғулланаётган ёки изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар ижара харажатиининг асосий қисmini тўлаш бўйича топшириқ берилди. Бироқ молиявий мустақилликка эга 36 та олий таълим муассасаси кузатув кенгашлари қарорига кўра, докторантларнинг йўл харажати ва ижара пулини тўлаб беради.

Ҳозир биз янгича йўл тутаяпмиз. Янгидан қурилаётган ётоқхоналарнинг бир қисmini алоҳида кириш йўли билан ажратиладиган меҳмонхонага айлантиряпмиз. Бу ерга хориждан жалб этиладиган педагоглар жойлаштирилади. Чунки олий таълим муассасаларининг олдида умумий ўқитувчиларнинг қамиди 5 фоизини хориқлик мутахассислар ташкил этиши бўйича талаб қўйляпти. Бу ўқитувчилар кўпроқ университет кампусида яшаши, ётоқхоналарни айланиши, талабалар билан суҳбат қилиши керак. Ўзим ҳам вилоятларга чиқсам, ётоқхонада меҳмонхонада тураман. Шунда талабалар билан кўнглдан суҳбатлашиб, мониторинг ўтказишим, ижтимоий муаммоларни ўрганишим мумкин. Қурилаётган ётоқхоналарнинг иккинчи қисми эса оилавий яшайдиган докторант ва талабаларга ажратилади. Бундай тоифали оилалар бор ва улар минглаб учрайди. Бу шароит асосан молиявий аҳволи барқарор бўлган олий таълим муассасаларида бор, лекин барча олийгоҳларда оила институтига эътибор қаратилиши керак. Хорижга борадиган ректорларга ўзи билан қамиди 5 нафар талабани олиб кетиш топшириғи берилди. Бу таклифни Ўзбекистон Миллий университетидаги учрашувда талабалар билдирганди. Бу ҳам келгусида талабаларнинг дунёқараши янгилиниб, илмга, таълимга муносабати тубдан ўзгаришига хизмат қилади, деб ўйлайман.

— Бугун олий таълим коррупциядан холи, дея оламизми?

**“ Профессional таълим педагог ва устازلарининг оиликлари оширилади. Фидойи ва ташаббускор мураббийларнинг оилигига 50 фоизгача устама тўланади. Келгуси йилда бунинг учун бюджетдан қўшимча 150 миллиард сум ажратилади.**

— Юқорида айтганимиздек, халқимизнинг олий таълим ҳақидаги фикрини ўзгартиршига астойдил ҳаракат қилияпмиз. Минг афсуски, тизимда айрим ҳолатларда маиший коррупция учрайди, лекин вазир сифатида тизимли коррупцияни йўқотдик, деб айта оламан. Ўқишни кўчириш билан боғлиқ жўзый муаммолар учрамоқда. Биз фирибгарларга йўл очиб бермаслигимиз керак. Ҳар қандай имконият, ҳар қандай имтиёз, айримлар учун "имконият" вазифасини бажармоқда. Энди бундай бўлмайди.

Янги ўқув йилидан эътиборан, оила қуриши муносабати билан турмуш ўртоғи доимий яшайдиган ҳудуддаги олий таълим муассасасига ҳамда давлат органлари ходими иш жойи ўзгарган тақдирда унинг турмуш ўртоғи ёки вояга етмаган фарзандининг ўқишини кўчиришга рухсат берилади. Бу тартиб-таомил фақат давлат олий таълим муассасалари орасида амалиётга татбиқ этилади.

Ўтган йили ўқишни кўчириш учун 60 мингта ҳужжат топширилган. Талаба тупроқшуносликка топширган, мақсади — биология йўналишида ўқиш. Аслида биринчи курсдаёқ мақсадни аниқ белгилаб олиш керак эди. Бундан олдин ташхис маркази, ота-оналар ишлаши лозим. Бу йил ўқишни кўчириш учун 150 минг ҳужжат топширилиши тахмин қилинган.

Магистратурага бу йил фақат хорижий тил бўйича халқаро ва маҳаллий сертификат олган бакалаврият битирувчилари топшира олади. Магистратурага қабул жараёни бир йилда икки марта (август ва январь ойларида) абитуриентнинг бакалаврият диплом бали ўртача кўрсаткич ҳамда хорижий тилни билиш даражаси бўйича сертификат бали асосида амалга оширилади, қўшимча имтиҳон ўтказилмайди.

Ўтган йили 4-курс битирувчиларининг 777 нафари чет тилини билиш даражаси бўйича сертификат олган. Бу йилги кўрсаткич 7000 дан ортиқ, яъни 10 баробар ошган. Талабалар хорижий тилни ўрганапти. Энди халқаро ёки маҳаллий сертификат олган талаба магистратурага ҳужжат топширса, мутахассислик фанидан имтиҳон топширмайди. Дипломи ўртача балл ҳисобида ўтади.

Қисқа қилиб айтганда, тизимдаги ислохотлар Президентимиз олдимизга қўётган вазифалар ижросини таъминлаш, даврининг ўзи талаб қилаётган туб ўзгаришларга ҳамқадам бўлиш йўлидаги ҳаракатларимизни изчил давом эттирямиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири  
Рисолат МАДИЕВА  
суҳбатлашди.**











## КАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

“Тошкентда Н.Тўрақулов Мунаввар қорининг ёнига тез-тез келиб, у билан шахмат ўйнар эди. Бир гал Мунаввар қори унга, “Сиёсий ўйинда қаттиққўл бўлма”, деганида Н.Тўрақулов, “Баъзан қаттиққўллик ютиш учун чалғитувчи усул ҳам бўлиши мумкин-ку!”, деб жавоб берган эди.

# ДАВЛАТ АРБОБИ, ПУБЛИЦИСТ, ОЛИМ ВА ДИПЛОМАТ



**Бахтиёр ҲАСАНОВ,**  
**Қатагон қурбонлари хотираси**  
**давлат музейи директори,**  
**тарих фанлари доктори,**  
**профессор**

Шубҳасиз, Н.Тўрақуловнинг сиёсий дунёқараши шаклланишида мустамлакачилик зулми остида қолган Туркистонда юзага келган муаммолардан хабардорлиги етакчи ўрин тутган. Бу эса 1917 йил февраль ойда эсерлар партиясига киришига сабаб бўлган. Ватанига қайтган ёш Назир 1917 йилдан Қўқон шаҳар ижроқўмида котиб ва сўл эсерлар партияси раёсатида аъзо сифатида иш олиб борди. Бироқ унинг Туркистон Мухторияти ёхуд Алаш ўрда билан маълумоти ҳақида ҳозирча бирор ишонarli маълумоти топа олмадик.

1942 йил 3 август кўни имзоланган Султон Сайдалининг сўроқ баённомасида қуйидаги маълумотлар мавжуд: "...1918 йил март ойда Туркистон Мухторияти тор-мор этилгач, большевикларга қарши курашда эсерлар партияси билан сиёсий иттифоқ тузишга келишилди. Бутун Туркистон бўйлаб қисқа вақтда қўллаб маҳаллий тараққийпарварлар сўл эсерлар партиясига кирди. Бироқ эсерлар келишилган шартларни бажармади. Аксинча, Туркистонга мухторият бериш масаласини рад этди. Натижада орадан уч ҳафта ўтиб барчамиз, ҳатто аввалдан унинг аъзолари бўлиб келган Назир Тўрақулов, Ходи Файзиллар ҳам ариза бериб, сўл эсерлар партиясидан чиқиб кетдик. 1918 йилнинг апрель ойдан кўпчилик компартияга кира бошлайди".

Давлат арбоби, публицист, тилшунос олим, машҳур дипломат Назир Тўрақулов 1892 йил октябрь ойда Қўқон шахрининг Калвак маҳалласида йирик пахта савдогари оиласида дунёга келган. У дастлаб эски мактабда, сўнг “янги усул” — жадид мактаби ҳамда рус-тузем мактабида таҳсил олган. 1913 йили Қўқондаги касб-хунар билим юртини тугатиб, олий таълимни Москвада коммерция институтида давом эттирди. Бироқ 1916 йил Биринчи жаҳон уруши туфайли учинчи курсдан бошқа талабалар қаторида Ғарбий фронтга юборилган. Айнан шу жараёнда Н.Тўрақулов сиёсий кураш майдонига тортилган ва инқилобий қайфиятдаги талаба ва ўқитувчилар томонидан Минскда тузилган “Эркин дала” махфий жамиятига аъзо бўлади.

Шу маълумотга асосланиб айтиш мумкинки, Н.Тўрақулов Туркистон Мухторияти вақтида айнан Қўқонда бўлган ва у тор-мор келтирилганидан сўнг Қўқонни тарк этган. Фикримизни унинг “Халқ дорулфунуни” журналида Дарвеш имзоси билан босилган “Мунча сокин, нега хомуш” деб номланган шеъри ҳам тасдиқлайди.

1918 йилнинг бошида Тошкентга келган Н.Тўрақулов дастлаб маориф соҳасида иш бошлаган. Тошкент маориф шўроси саркотиби Салимхон Тиллахонов раҳбарлигида Мунаввар қори, Фитрат, Муродхўжа Солиххўжа ўғли, Тузел Жонбоев билан у ҳам ўлкада миллий таълимни ривожлантириш ишига жалб этилади. “Халқ дорулфунуни” журналида чоп этилган бошқа бир хабардан маълум бўлишча, 1918 йил 14 июлда ўтказиладиган Бутунтуркистон мусулмон маориф курултойини қаҳирси комиссиясига Назир Тўрақулов раис, Ғози Юнус саркотиб этиб тайинланган эди. Айнан шу даврда унинг ўзбек тараққийпарварлари билан мустаҳкам дўстлик ришталари бoғланди ва бу алоқаларни умрининг охиригача давом эттирди.

Тошкентда Назир Тўрақулов жадид тараққийпарварлари билан бирга большевиклар ҳукуматининг “кизил империя”ча босқинчилик сиёсатига қарши жиддий кураш олиб борди, улар, керак бўлса, истиқлол йўлида ташқи кучлар ёрдами билан ҳам фойдаланишни назарда тутган эди. Бу масалада собиқ Чор империяси полковниги Хошаев Шахан Гирей Джангирович 1937 йил 9 октябрь кўни терговда қуйидагича гувоҳлик беради: "... тошкентлик бой Муллабоев рус ҳамкорлари орқали инглиз жосуси полковник Бейли билан танишган экан. 1918 йил қузида Муллабоевнинг приказчиси Ғани Ҳамидхонов орқали Тошкентда Саъдулла Турсунхўжаев, Мунаввар қори Абдурашидхонов ва Назир Тўрақулов Бейли билан учрашган эди. Улар Англиядан ердан сўрашган, аммо кейин қайта учрашиш ва музокараларни давом эттириш учун имкон бўлмади".

Мавжуд вазиятда жадид тараққийпарварлари большевиклар ҳукумати билан мурося қилмасдан бирор-бир ижобий натижа чиқара олмасликларини тушуниб етишди. Н.Тўрақулов

1918 йил октябрда компартияга киради ва Фарғона музофотида маориф масаласи бўйича масъул этиб юборилади. 1918-1920 йилларда Қўқонда инқилобий қўмита котиби, Фарғона музофоти инқилобий қўмитаси аъзоси, Қўқон шаҳар ижроқўми котиби вазифаларида ишлайди. У Фарғона водийсини тиклаш ва халқ ҳўжаллигини изга солиш жараёнида ўзининг ҳақиқий раҳбарлик салоҳиятини намойиш этади. Уни халқ ишонган етакчилардан бири сифатида кўрган совет давлати раҳбарияти Н.Тўрақуловга бирин-кетин масъул лавозимларни топишира бошлади. У 1919 йилдан Туркомиссия таркибида Туркистонда маориф масалаларини ўрганиш гуруҳи аъзоси, 1920 йил 19 апрелдан Туркистон маориф халқ комиссари этиб тайинланди. Уша йили 19 июлдан ТКП МК масъул

“1918 йилнинг бошида тошкентга келган Н.Тўрақулов дастлаб маориф соҳасида иш бошлаган. тошкент маориф шўроси саркотиби Салимхон тиллахонов раҳбарлигида мунаввар қори, фитрат, муродхўжа солиххўжа ўғли, тузел жонбоев билан у ҳам ўлкада миллий таълимни ривожлантириш ишига жалб этилади.

котиби, 1920 йил 8 сентябрдан эса Туркистон МИК Президиуми раиси лавозимларига тайинланди. Шунингдек, 1920-1922 йилларда Бутуниттифоқ МИК ва РСФСР ХКС ва РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси эди.

Н.Тўрақулов 1922 йил 8 октябрдан Москвада ишлай бошлади. 1922-1928 йилларда Шарқ халқлари марказий наشريётида бошқарув раиси, Бутуниттифоқ Шарқшунослар илмий ассоциацияси президиуми аъзоси, Шарқ халқлари институтининг ректори ўринбосари вазифаларини бажаради. У ўзини етакчи маърифатпарвар, ношир, муҳаррир ва тилшунос олим сифатида намoён этди. Унинг раҳбарлигида Марказнашрда 50 дан ортик миллатлар тилида 60 миллиондан зиёд ададда ўқув, илмий-оммабоп, сиёсий, бадиий

адабиётлар, публицистика, услубий қўлланмалар чиқарилди. 1928 йилга келиб, Марказнашр 12 тилда 21 та даврий нашрни доимий босишни йўлга қўйди. Н.Тўрақулов 1923-1928 йилларда Бутуниттифоқ Янги турк алифбоси комиссиясининг раиси бўлиб, 1926 йили Бокуда ўтказилган биринчи Бутуниттифоқ туркология съезида иштирок этди.

Имлони араб алифбосидан лотин алифбосига ўтказишда ҳам тилшунос олим сифатида жуда катта ҳисса қўшди. Айна пайтда Н.Тўрақулов Туркистон миллий зиёлилари билан ҳам мустаҳкам алоқада бўлган. Бу борада 1937 йил 10 август кўни Абдулҳамид Чўлпон қуйидагиларни маълум қилган:

“Тошкентда Н.Тўрақулов Мунаввар қорининг ёнига тез-тез келиб, у билан шахмат ўйнар эди. Бир гал Мунаввар қори унга, “Сиёсий ўйинда қаттиққўл бўлма”, деганида Н.Тўрақулов, “Баъзан қаттиққўллик ютиш учун чалғитувчи усул ҳам бўлиши мумкин-ку!”, деб жавоб берган эди. 1923 йили Мунаввар қори ташаббуси билан ташкил этилган “Нашир маориф” жамияти Иномжон Хидралиев, Акмал Икромов ва Назир Тўрақулов томонидан қизгин қўллаб-қувватланганди...

Н.Тўрақулов 1925-1927 йилларда Москвада Марказий наشريётда раис бўлди. Унинг ёнида Фотиҳ Каримий, Алихон Букейхонов каби тажрибали инсонлар билан бирга Наби Расулев, Шокир Сулаймон, Наим Саиддек Москвага таҳсил олиш

мақсадида борган кўпгина ўзбек ёшлари тўпланган эди...”

Назир Тўрақулов қаерда бўлмасин, қандай лавозимда ишламасин, киндик қони тўкилган Ватани, болалиқдаги дўстлари ва сафдошлари билан алоқани узмади. Бу борада айрим мисолларга тўхталадиган бўлсак, унинг маҳалладош дўстларидан бири 1929-1933 йилларда Ўзбекистон ССР Давлат план қўмитаси раиси, 1934-1937 йилларда ЎзССР молия халқ комиссари лавозимларида иш олиб борган йирик давлат ва жамоат арбоби Акбар Исломовдир.

Н.Тўрақуловнинг яна бир дўсти Қўқоннинг Қипчоқарки маҳалласида дунёга келган, кейинчалик йирик давлат ва жамоат арбоби бўлиб етишган Абдуллажон Каримов эди. Бу тўғрида 1956 йил



5 ноябрь кўни қайта сўроқда 1909 йили Қўқон шаҳрида туғилган фуқаро Юсуф Маҳмудов қуйидагиларни ҳикоя қилади: “Назир Тўрақуловнинг отаси Тўракул қозoқ Абдуллажон Каримовнинг битириб келган Абдуллажон Каримов 1925 йили Фарғона музофотидаги компартия қўмитаси котиби, 1928 йил ЎзССР маориф халқ комиссари, 1930 йил май ойдан 1937 йилгача ЎзССР ХКСнинг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият юритди...”

1928 йили 36 ёшида Назир Тўрақулов дипломат сифатида танланди. Уша замонларда бундай масъулиятли лавозимга ёшларни қўйиш камдан-кам кузатилган. У рус, араб, форс, француз, немис тилларини яхши биларди. 1928-1936 йилларда СССРнинг Саудия Арабистони қироллигидаги мухтор элчиси бўлди. Бироқ 1936 йил бошида Москвага қақириб олинди ва бир йил давомида СССР МИК Миллатлар Совети қошидаги Тил ва имло институтида иш олиб борди.

Н.Тўрақулов 1937 йил 15 июлда қамoққа олинди. РСФСР ЖКнинг 58-1а, 58-8, 58-11 моддалари билан айбдор деб топилиб, 1937 йил 3 октябрда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг ҳукми асосида отувга буюрилади. 1958 йил 28 январда СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси томонидан жиноят таркиби йўқлиги учун Н.Тўрақулов оқланган.

Шундай бўлса-да, Н.Тўрақуловнинг аянчли қисмати ҳақидаги даҳшатли хабар Саудия қироли Абдул Азиз ас-Сауднинг кучли таассуфига сабаб бўлди. У совет ҳукуматида дипломатик йўл билан ўз мамлакатида совет вакилини бошқа кўришни истамаслигини маълум қилади. Шу воқеадан сўнг икки давлат ўртасидаги алоқалар бутунлай тўхтади. Фақат 1990 йил 17 январга келибгина Саудия Арабистони ва Россия ўртасидаги дипломатик алоқалар тикланди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Назир Тўрақулов ва ўзбек тараққийпарварларининг дўстлиги икки қардош ўзбек ва қозoқ халқларининг абадий дўстлиги рамизидир. Бу садоқатли инсоннинг қисқа даврдаги сермахсул меҳнат ва ижодий фаолияти ўз тадқиқотчиларини кўпти турибди. Айниқса, давлат бошқарувидаги иштироки, публицистик мероси алоҳида тадқиқот учун мавзу бўла олади.

## ЮРТИМИЗ ҚАДАМЖОЛАРИ

**Авазбек ПОЗИЛЖОНОВ,**  
**Анджон вилояти маданий**  
**мерос бошқармаси**  
**археолог-мутахассиси**

Ховускон ота ёдгорликлари мажмуаси Пахтабод тумани Учқўза қишлоғи “Файзобод” МФИда жойлашган. Ривоятларга қараганда, ушбу мажмуа “Миён Рудон” (Икки дарё оралиғи) номи билан машҳур Норин ва Қора дарё оралиғидаги қадимий шахарлардан бирининг қолдиғи ҳисобланади. Ҳозирги кунда ушбу жойда бизгача етиб келган бир неча тепаликлар мавжуд бўлиб, ушбу мажмуанинг сақланиб қолган қисми 7,8 гектар майдонни эгаллайди.

Мажмуа марказида жойлашган асосий тепаликда 1973-1976 йилларда Самарқанд Археология институти ходими Б.Абдулгазиева томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Мазкур археологик тадқиқотлардаги топилмалар илмий ўрганилганда, тепалик милодий V-XII асрларга оид бўлиб, муҳофазаланмаган



# ХОВУСКОН ОТА ЁДГОРЛИГИ

Давлатимиз раҳбари юртимизда туризмни янада ривожлантириш, соҳада инфратузилмани шакллантириш зарурлиги ҳақида гапирганда, мавжуд зиёратгоҳлардан унумли фойдаланиш лозимлигини кўп таъкидлайди. Шу маънода, Анджон вилоятида ҳам кейинги йилларда зиёрат туризмни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаяпти.

мустаҳкам саройга эга аҳоли манзилгоҳи эканлиги, ёдгорлиқнинг сарой қисми тўртбurchак шаклда, майдони 120х95 метр, баландлиги 12 метрга тенглиги, атрофлари тик қияликлардан иборатлиги аниқланган. Сарой уч тарафдан, яъни ғарбий, шарқий ва шимолий томонлардан маҳобатли бино ва иншоотлар билан ўралганлиги маълум бўлган.

Ушбу ёдгорликдан топилган осори-атиқалар Анджон вилояти тарихи ва

маданияти давлат музейи экспозициясидан ҳам жой олган. Жумладан, топилмалар орасидаги турли ўлчамларга эга сопол қувурлар қалъа ичидаги ўша даврга хос сув тармокларни юксак даражада ривожланганлигидан далолат беради. Шунингдек, обида ҳудудидаги айрим ободонлаштириш ишлари жараёнида топилган тошдан ясалган уй-рўзгор буюмлари, тош тегирмон, ҳар-хил даврларга оид сопол буюмлар асосида ёдгорлиқнинг ўзида ҳам музей ташкил этилган.

Энг баланд тепалик бағридаги сунъий “гор” ва қорайган девор қолдиқлари бу тепалик ўрнида исломдан аввал оташпарастларнинг муқаддас ибодатхонаси ёки ёнгиндан кучли талафот кўрган қалъа иншоотларидан бири бўлганлигини аниқлатади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, қадимшунос олима Б.Абдулгазиева томонидан ушбу мажмуада мавжуд тепаликларнинг фақатгина биттаси ўрганилган. Келажақда ушбу ёдгорлик ҳудудидаги археологик тадқиқот ишларига янада



жиддийроқ эътибор қаратилса, мазкур тепаликлар ўрнидаги қадимий шахар-созлик ҳақида тўлиқ маълумотлар олиш имконияти туғилади.

Қалъа деворлари баланд, мустаҳкам бўлиб, ташқи душманлардан жуда яхши ҳимояланган, қишлоқ ҳўжаллиги, хунармандчилик ва савдо яхши ривожланган. Ўша даврдаги қўллаб қадимий шахарлар каби бу маскан ҳам ўрта асрларга келиб, ўзаро урушлар, истилолар туфайли вайронана, кейинчалик тепаликлар ва айрим қисмлари қабристонларга айланган.

Ҳозирда археологик тепаликларнинг асосий қисминини Ховускон ота қабристонини эгаллаган.

Ёдгорлик ҳудудидаги қадимий шифобахш буюқлар бу қадимий шахар харобалари орасида муқаддас зиёратгоҳ кашф этилишига сабаб бўлган. Мазкур зиёратгоҳ Ховускон ота (баъзан Мир Одил ота) дейилади. Ушбу жойни авлиё чўпон макон қилган, ўз дуою қароматлари билан кишиларни ҳақ йўлга бошлаб, руҳиятларга тетиклик, танларга даво, мушкулликларга оsonлик ато этган.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДУК

МУАССИС:  
Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.  
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.  
Нашир индекси — 236. Буюртма — 1984.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.  
Тошкент, Янги шахар кўчаси, 1-А уй.  
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Авазбек Худойқулов  
Мусахҳас: Малохат Минғобоева  
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:  
100029, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎА яқуни — 00:12 Топширилди — 00:45